



БАДИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДЛАРИ

<https://doi.org/10.53885/edinres.2022.10.10.013>

Умаров Абдухамид Саттарович

*Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институтини, Санъатишунослик факультетини “Информатика ва
менежмент” кафедрасини профессори*

Аннотация: Мақолада бадий таълим кластери ва унинг субъектлари ҳақида сўз боради. Республикада бадий таълим кластери шакллантириши ва унинг фаолиятини асослаш бўйича тахлийий услублар ва методологияси ёритиб берилган.

Калит сўзлар: бадий таълим, арт- кластер, бадий ва амалий санъат, саҳна санъати, музей бизнеси, дизайн, санъат мактаблари.

МЕТОДЫ ОРГАНИЗАЦИИ КЛАСТЕРА ХУДОЖЕСТВЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ

Умаров Абдухамид Саттарович

*Национальный институт живописи и дизайна имени Камолiddина
Беҳзода, Профессор кафедры «Информатика и управление» факультета
искусств*

Аннотация: в статье рассматривается кластер художественного образования и его субъекты. Освещены научные методы и методология формирования кластера художественного образования в республике и обоснование деятельности

Ключевые слова: художественное образование, арт-кластер, художественно-прикладное искусство, Исполнительское искусство, музейный бизнес, дизайн, художественные школы.

METHODS OF ORGANIZING A CLUSTER OF ART EDUCATION

Umarov Abdukhamid Sattorovich

*National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin
Behzod, Professor of the «Informatics and Management» department of the
Faculty of Arts*

Abstract: the article examines the cluster of art education and its subjects. The scientific methods and methodology of the formation of the cluster of art education in the republic and the justification of the activity are highlighted

Keywords: art education, art cluster, arts and crafts, performing arts, museum business, design, art schools.

КИРИШ. Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар таълим мазмунини умуминсоний кадриятлар ва халқимизнинг тарихий-маданий анъаналари асосида ташкил этишга кенг йул очиб берди. Натижада таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарсликларнинг янги авлоди яратилди. Айни пайтда улар такомиллаштирилмоқда, модернизация килинмоқда. Комил инсон ғояси - ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни хаамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир [1].

Мамлакатимиз ўзининг бой бадиий мероси билан жаҳон санъати ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган қадимий цивилизация ўчоғи сифатида миллий бадиий анъаналарнинг ўзига хошлигини сақлаб келаётгани дунёнинг етакчи санъат мутахассислари томонидан эътироф этилган.

Бадиий ва амалий санъат, саҳна санъати, музей бизнеси, дизайн, ижодий соҳаларни ривожлантириш, маданий меросни сақлаш, маданият ва санъат соҳасида юқори малакали ёш кадрларни кўпайтиришни ўз ичига олган бадиий таълим кластери, нафақат Ўзбекистоннинг маданий-ижтимоий ривожланишининг «ўсиш нуқтаси»ни, балки шунингдек, минтақа иқтисодиёти ва унинг ҳудудлари салоҳиятини мувозанатли ривожлантириш стратегиясини тўлиқ амалга оширишга катта асос бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ. Маданий мерос ва юксак бадиийлик миллий анъаналарини ривожлантириш, ундан фойдаланиш, ундан ижодий амалиёт услубларини жорий этиш, табиий материал билан ишлаш инсонларда, айниқса, ёшларда, кунт, чидам, қатъият, тасвирий санъатнинг фалсафий, психологик, қирраларини ўргатиш максадида олий ўқув юртларида ўқувчи-ёшларни сиёсий-ғоявий ва эстетик руҳда тарбиялашда, гўзалликни сеза билишга, тасвирий санъат асарларини ўрганишга, улардан баҳра олишга, изланувчанлик ва яратувчанлик қобилиятларини оширишга, ушбу санъатга булган қизиқишни кучайтириш, касб танлаш, кўникма ва дунёкарашини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди [3].

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 9-сон қарори [2] тасдиқланган бўлиб, бу қарор негизида бадиий таълим кластерининг дастлабки бўғини бўлмиш – санъат мактаблари ва уларни такомиллаштириш ҳақида сўз боради.

Бадиий таълим кластерларини ташкил этиш ва улар фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича дунёнинг етакчи давлатида амалий

тажрибалар олиб борилган бўлиб, хорижий тадқиқотчилардан: Ч. Лэндри [10], Р. Флорид [11] ва Дж. Паина [12], Дж. Гилмора [13] каби олимларни киритиш мумкин. Россияда бадиий кластерлар соҳасидаги амалиётчилар қаторига; Е. Зуев [6], Д. Е. Милков [7], М. В. Гнедовский [8], Е. В. Зеленцова [9] ва бошқа маҳаллий тадқиқотчиларни мисол келтириш мумкин.

Ўқувчиларни мутахассислик фанларидан чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган ҳолда ўқитиш, уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш ҳамда юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар фаолиятининг мақсади ҳисобланади. Бу борада бадиий ижодкорлик ва таълим тизимининг ўзаро ҳамоҳанглигидан, янги ижодий йўналиш – бадиий таълим келиб чиқади ва ўз тарихида бир қанча босқичларни босиб ўтган соҳа ҳисобланади. Таълим тизимида бадиий-ўқув кластери - бу асосан занжир ичидаги горизонтал алоқаларга асосланган инновацион занжир “фан - ижодкорлик - бизнесда ўқитиш, ўзаро ўйрганиш ва ўз-ўзини ўрганиш воситалари” тизимидир [5].

Бадиий санъат бу ёпиқ тизим бўлмай, ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиш учун мўлжалланган тараққиёт майдони саналади. Бадиий санъатнинг асосий вазифаларидан бири инсон маънавий ва маданий ривожланишига таъсир кўрсатиш ва унинг таъсирида ҳудудларни ривожлантириш саналади. Бугунги кунда замонавий концептуал кўргазма ташкил этиш ўз ечимларини талаб қилади, бу эса бадиий таълим заруратини кўрсатиб, ўзига хос бўлган архитектура майдони яъни замонавий санъат (арт кластер)нинг янада ривожланишини талаб қилади. Бундай бадиий таълим кластерларини ташкил этиш эса ўз навбатида, Маданият ва санъат соҳаси ижодкор ходимларнинг малакасини ошириш учун шароит яратиш, Ўзбекистонга юқори малакали ходимларни жалб қилиш, тармоқлараро ҳамкорлик ва ҳудудлар ўртасида маданий алмашинув майдонини яратиш, маданият ва санъат соҳаси ижодкор ходимларнинг малакасини ошириш, аҳолига кўрсатилаётган маданий хизматлар ва маҳсулотлар, уларнинг талабларини янада тўлиқ қондирмоқда.

МУХОКАМА ВА ТАҲЛИЛ. Ижодий ва бадиий санъат соҳасининг ўсиши иқтисодий тизимларда асосий ўзгаришларга олиб келади: билимлар иқтисодиётини шакллантириш - санъат бозорини шакллантириш ва уни тўғри ишлаш механизмини шакллантириб, йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши ва минтақанинг ижодий капитали ролининг ошишида бадиий таълим кластери субъектлари иштирокини кучайтириш. Бадиий таълимга замонавий тусдаги арт-маркетинг тушунчаларини киритиш асосида, бадиий таълим маҳсули

бўлган, ижод наъмуналарини кенг айланма ҳаракат йўналишини яратиш асосий вазифа саналади.

Ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернатлар ўқувчиларни мутахассислик фанларига касбий йўналтиришни ҳамда уларни келгусида олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттиришлари ёки меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун мақсадли тайёрлашни назарда тутадиган, давлат таълим стандартлари, давлат таълим талаблари, ўқув режалари ва таълим дастурлари талабларига мувофиқ равишда ўқув-тарбия жараёнини амалга оширадиган давлат таълим муассасалари ҳисобланади дея таъкидланилади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъжамасининг 09.01.2019 йилдаги 9-сон қарорида.

Бадий-ўқув кластери - бу асосан занжир ичидаги горизонтал алоқаларга асосланган инновацион занжир “фан - ижодкорлик - бизнесда ўқитиш, ўзаро ўрганиш ва ўзўзини ўрганиш воситалари” тизимидир. Бадий таълимга кластерли ёндашув санъат ва бадий таълимнинг асосий ўқув жараёнлари ўртасидаги муносабатларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради [14].

Бадий таълим кластерини шакллантиришда биз халқаро М. Портер томонидан ишлаб чиқилган кластерни шакллантириш методикасининг уч босқичидан фойдаланишни маъқул кўрдик:

1) бадий кластер таркибини тузиш: бадий таълим кластерининг ядросини ажратиш, мавзу ва йўналишдан келиб чиқиб таълим тараққиётини кўшимча горизонтал алоқалар билан ўрнатиш (билан ўзаро таъсир ҳукумат, фан, жамоат ташкилотлари); бадий йўналишда кластер алоқаларини горизонтал ва вертикал йўналишда ташкил этиш;

2) бадий таълим кластер доирасида махсус инфратузилмани шакллантирувчи кўникмаларни, технологияларни таъминлайдиган субъектлар (ташкилотлар, муассасалар) гуруҳларини ажратиш;

3) Кластер иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларига таъсир қилишда («уч спираль» моделига мувофиқ (ҳукумат-илмий ва ўқув марказ-бизнес) ҳукумат ва бошқа қонун чиқарувчи тузилмаларни аниқлаш.

Кластер асосида санъат мактабларини ташкил этиш ва уларда бадий таълим йўналиши бўйича мутахассисларни тайёрлаш, амалий, тасвирий ҳамда дизайн соҳасининг етук мутахассисларини соҳанинг ҳар бир бўғинидаги самарали фаолиятни таъминлаш кластер тамойилининг мақсадларидан бири саналади. Ўқувчиларни санъат ва маданият йўналишида танлаган касблари бўйича:

- мутахассислик фанларидан чуқурлаштирилган ва касбга йўналтирилган давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ сифатли ўқитишни ташкил этиш;

- келгусида олий таълим муассасасида ўқишини давом эттириши

ёки танлаган касби ва ихтисослигига мувофиқ меҳнат фаолияти билан шуғулланиши учун юқори даражада сифатли билимлар олиши ва касбий тайёргарлигини таъминлайдиган давлат таълим талаблари доирасида ихтисослаштирилган ўқув дастурларини амалга ошириш;

- санъат ва маданият соҳасини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, қонун ҳужжатларига мувофиқ таълим масалалари бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш; ёшларнинг изчил интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни она-Ватанга, юксак фуқаролик, инсонийлик фазилатларига, миллий ғояларга, ўз халқининг маънавий-тарихий, умумбашарий қадриятларига садоқат руҳида тарбиялаш, мустақил дунёқараш ва фикрлашга эга бўлган ҳар томонлама етук шахсни шакллантириш асосий вазифа этиб белгилаб берилган.

Кластер шундай тизимки, уни ташкил қилувчи компонентларнинг интеграцияси ҳар бир субъектнинг янада самаралироқ ишлашини таъминлайди ва истисно бузилишларга олиб келмайди. Кластер бир қатор таълимий ва илмий ва ишлаб чиқариш субъектларининг муайян ассоциацияга механик бирлашиши эмас, балки уларнинг ўзаро яқиндан таъсири ва ўзаро боғлиқлиги натижасида юзага келади. Кластер атамаси юртимизга қишлоқ хўжалик соҳаси мутассисларидан кириб келган бўлиб, ҳозирда турли соҳа ва тармоқ кластерлари фаолият юритиб келмоқда.

Бадий кластернинг замонавий санъатнинг ривожланиши билан боғлиқ алоҳида ўрни бўлиб, шаҳарлар, шунингдек, ишлаб чиқаришдан бўшаган ҳудудларнинг тикланиши арзон ишчи кучи бўлган минтақалар билан шаҳарларда, кичик ва ўрта ижодий корхоналарда махсус тизимли ва узлуксиз бадий - санъат маҳсулотларни етиштирадиган бадий кластерларни ташкил этади ва улар бирлаштирилган ҳудуднинг умумийлиги билан боғланган компаниялар (ижодий соҳалар) - мустақил жамоаларнинг ўзаро ҳамкорлик ва рақобат муносабатлари асосида юзага келади.

Бадий кластерлар - бу бир нечта корхоналар, фирмалар, устахоналар, офислар бир умумий фазода бирлашган ва бадий ижод билан шуғулланувчи саноат сектори йиғилган алоҳида макон саналади. Бадий кластерларнинг асосий хусусияти кенг тарқалган бадий ижод маҳсулотларини яратиш ва ишлаб чиқаришга ёрдам берадиган ижодкорлик ва бизнес муҳитини яратишдир [15].

Таълим кластерлари ҳам назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш кластерларининг аналоги ҳисобланади. Уларни ташкил қилиш билан боғлиқ амалий жараёнлар ҳам ўхшаш бўлади. Таълим тизимига бундай ёндашувни қўллаш билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиш, адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, қуйидагиларни такозо қилади:

- ишлаб чиқариш ва таълим дастурларини бирлаштиришни;
- таълимга кластер ёндашуви ишлаб чиқариш ва таълим дастурларини бирлаш тузилмада инновацияларни қўллаб-қувватлаш воситаси (фан-таълим-ишлаб чиқариш) сифатида намоён бўлишни;

- келажак иқтисодиёти учун кадрлар салоҳиятини шакллантиришнинг инновацион фаолиятини ташкил этишнинг самарали усули бўлиши;

- турли таълим муассасалари (болалар богчаси, мактаб, лицей, коллеж, университет) билан таълим тизимининг узлуксизлиги принципи асосида қайта ташкил этишни.

Бадий таълим кластерининг асосий маркази Ўзбекистон бадий академияси саналиб, унинг атрофида кластер субъектлари бирлаша бошлайди.

1-расм. Ўзбекистон Бадий академияси ташкилий тузилмаси.



Юқорида қайд этилган Ўзбекистон бадий академияси ташкилий тузилмаси бир қанча асосий кластер субъектларидан иборат бўлиш билан бирга, бадий таълимни ташкил этувчи бир қанча бадий узлуксиз таълим субъектлари ҳам мавжуд бўлиб, улар иштирокида кластер механизми ўз фаолиятини тўлиқ амалга ошира бошлайди. Уларга: П.Беньков номидаги республика ихтисослаштирилган мактаб, Республика ихтисослаштирилган дизайн мактаби, Республика ва вилоятлар қошида очилган санъат мактаб-интернатлари, Қорақалпоғистон санъат мактаб-интернатлари, рассомлик маҳорат устахоналари, аукцион уйлари, халқаро арт ярмаркалар ва арт резиденциялар, Креатив хаб ва арт инкубаторлар киритилади.

Бадий таълим кластерларни бошқаришда икки даража мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар:

1. Республика миқёсида бадий таълим кластери фаолиятининг умумий стратегик йўналишлари ва мақсадлари, бадий академиянинг илмий-методик бўлими томонидан таъминланади ҳамда унинг ижрочи субъектлари сифатида ректорлар ва услубий кенгаш бўлим бошлиқлари фаолият юритадалар.

2. Минтақавий даражада бадий таълим фаолиятини бошқариш ва ташкил этишда эса арт маркетинг таҳлили асосий вазифани бажаради.

Инновацион таълим кластерининг асосий маҳсулоти таълим хизматлари ҳисобланади. Кластер, биринчи навбатда, таълим

хизматларини амалга оширишга эмас, балки ўзгарувчан бозор шароитида рақобатбардош таълим беришга қаратилган бўлиши керак. Рақобатбардош таълим бериш доимий равишда инновация ларни, замонавийлик, талаб ҳамда тақлиф мутаносиблигини талаб қилади. Шу жараёнда таълим хизматларига йўналтирилган фаолият ўсиш кўрсаткичларини намоён қилади [4].

НАТИЖА. Бадиий ривожланиш ва унинг йўналишлари инсон хулқ-атворини эркин ривожлаништиришга ёрдам беради, шахсият, ҳаётий муаммолар ва уларга мустақил ечимларни излаш, баркамол шахс тарбиясини фаол акс эттириш (трансформацион, когнитив, баҳоловчи, ижтимоий алоқа) га мувофиқ, кўп функционаллик бадиий санъат орқали намоён бўлади.

Узлуксиз бадиий таълими куйидаги хусусиятларни намоён қилади:

- таълимнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида тарбия учун муносиб зарур макон - миллат келажиги, маънавий янги интеллектуал соғлом авлод ва маданий жамият қурилиш истиқболи сифатида самарали замин вазифасини ўтайди;

- шахснинг тушуниш жараёни орқали ўз халқи ва инсоният маданиятини махсус бадиий билим ва кўникмаларни ривожлантириш, ижодий фаолият орқали санъатнинг ҳар хил турларини идрок этиш имконияти мавжудлиги юзага келади;

- баркамол шахс, унинг маънавияти, ижодий индивидуаллиги, интеллектуал ва ҳиссий бойлигини ривожлантириш ва шакллантиришнинг энг муҳим усули саналади;

- Таълим тармоғи инфратузилмаси, моддий-техника ва норматив-ҳуқуқий база, ахборот-услугий қўллаб-қувватлаш, инсон ресурслари, молиявий манбалар асосидаги амалий фаолият тизими.

Умуман олганда, биз «доимий» деб айтишимиз мумкин «бадиий санъат таълими» тизимли, маданиятнинг узлуксиз, педагогик йўналтирилган ривожланиши саналиб, шахс, жамиятнинг бадиий ва маданий салоҳияти, бадиий таълимни - таълим тизимининг мажбурий бўғини сифатида ривожлантириувчи ва бунинг учун махсус ташкил этилган муҳит сифатида қаралади.

ХУЛОСА. Узлуксиз таълим тизимининг фанлараро алоқадорлигини таъминловчи панорамаси бадиий санъат таълимини узлуксиз акс эттиради ҳамда, шахснинг педагогик йўналтирилган жараёни мақсадида ҳаётининг барча даврларида санъат - маданият контекстида умумий ва касбий ривожланишни амалга оширади. Узлуксиз бадиий санъат таълим узоқ тарихий анъана эга. Маҳаллий узлуксиз ривожланиш тарихи бадиий таълимнинг турли хил ёндашувларни намойиш этади, санъатнинг юксак мақсадини англаб, унинг моҳияти ва жараёнини ташкил этишга хизмат қилади тасдиқланган санъат соҳасидаги таълим хизматларининг юқори даражадаги самарадорлиги бўйича, бадиий таълим кластери ижодкор кадрлар тайёрлашда миллий санъат мактабларининг эътирофини жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ва бадиий миллий таълим тизимини кластер даражасида ривожлантиришга етаклайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Миллий истикдол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Узбекистон, 2001. - 80 б.
2. “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаблари ҳамда мактаб-интернатлар тўғрисида” Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги 9-сон қарори
3. С.Булатов., Бадиий таҳлил тамойиллари, 96-бет
4. Г.Мухамедов, У.Ходжамкулов, С.Тоштемирова., Педагогик таълим инновацион кластери., Монография – Т. 2020. 77-бет.
5. А.С.Умаров Узлуксиз таълим тизимида бадиий таълим инновацион кластери. “INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE” BELARUS, International scientific-online conference
6. Зуев С. Э. Культура как ресурс и ресурсы для культурной деятельности.- Архангельск, 1998. - №2 (5). - С. 21-32.
7. Мильков Д. Э. Развитие творческих индустрий: аспект международного сотрудничества. - Москва, 2003. -С. 103-107.
8. Гнедовский М. Б. Творческие индустрии: стратегия инновационного развития. – Москва, 2005. - С. 7-15.
9. Арт кластеры в России: Сб. / Сост. Е. В. Зеленцовой. Москва: Институт культурной политики, 2004. — С. 98.
10. Лэндри Ч. Креативный город: пер. с англ. - Москва, 2005. – С. 399.
- 11.Флорида Р. Креативный класс: Люди, которые меняют будущее / Пер. с англ. -Москва, 2005 .- С.430.
12. Пайн Дж. Б., Гилмор Дж. Х. Экономика впечатлений: работа - это театр, а каждый бизнес - сцена / Пер. с англ. -Москва, 2005. – С. 304.
13. Garnham N. From cultural to creative industries: An analysis of the implications of «creative industries» approach to arts and media policy making in the United Kingdom // International Journal of Cultural Policy. -2005.-№11(1). - 15-29 p.
14. А.С.Умаров УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМДА ЗАМОНАВИЙ САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ КЛАСТЕР ТАМОЙИЛЛАРИ // ReFocus. 2022. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/uzlaksiz-talimda-zamonaviy-sanat-maktablarini-tashkil-etishning-klaster-tamoyillari> (дата обращения: 28.09.2022).
15. Портер М. Конкуренция / М.Портер // М.: Издат. дом «Вильямс», 2003.- С. 178.